# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 12 июнь, № 114 (5534) Сешанба


## Энергетика тизими:

# ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРАСИ

*Мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча тармоқларида бўлганидек, энергетика тизимини модернизация қилиш, хусусан, электр энергияси ишлаб чиқариш жараёнига тежамкор технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*



### Модернизация

Айни пайтда республикамиздаги 10 дан ортиқ иссиқлик электр ҳамда 15 дан зиёд гидроэлектр станцияларида йилига 50 миллиард кВт соатдан кўпроқ электр энергияси ишлаб чиқарилиб, минглаб километрлик линиялар орқали истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Жумладан, тизимда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг 30 фоиздан ошиғи "Sirdaryo issiqlik elektr stansiya"си ҳиссасига тўғри келади.

— 2001 — 2002 йилларда "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси ҳамда Германиянинг "Simens" концерни ўртасида тузилган шартномага биноан, еттинчи ва саккизинчи энергоблокларни реконструкция қилганимиздан сўнг корхонамизда иш ҳажми янада ортиши билан бирга, ёқилғи сарфини ўн фоизга камайтиришга ҳам муваффақ бўлдик, — дейди мазкур станция бош муҳандиси Мирзааҳмад Шоимов. — Масалан, 2012 йилнинг ўтган тўрт ойида 5,7 миллиард кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилиб, 1,7 миллиард сўмлик ёқилғи иқтисод қилинди.

(Давоми 2-бетда).

### Қарор ва ижро

*2012/2013 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда мазкур комиссия аъзолари, олий таълим муассасалари ректорлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиқлари қатнашди.*

# ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 31 май куни қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва 2012 йил 4 июндаги "Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифалар ижроси ва республика олий таълим муассасаларига қабулни ташкил этиш тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 31 май куни қабул қилинган қарорига мувофиқ, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ва тавсияномага эга абитуриентларга бериладиган имтиёз жами тўплаш мумкин бўлган баллнинг 25 фоизидан 27 фоизига кўпайтирилганлиги таъкидланди. Айни пайтда ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсиямомасига эга бўлган, бироқ танлов давомида (тест синовида) керакли балл тўплай олмаган абитуриентларни ўқишнинг педагогика, қишлоқ хўжалиги, табиий-илмий ва техника йўналиши бўйича олий таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида қабул қилиш борасидаги имтиёз бекор қилинди. Мазкур тоифадаги абитуриентлар барча қатори танловда иштирок этиши ҳамда тўплаган балига имтиёз бали қўшилганда ўтиш балидан юқори бўлсагина ўқишга қабул қилиниши мумкин.

Керакли балл тўплай олмаган абитуриентларга шу тўплаган бали билан кириш имтиҳонидаги фанлар блокларига мос бўлган ва ўтиш бали бундан паст бўлган йўналиш бўйича Давлат комиссияси қарори билан аризасида кўрсатилган бошқа олий таълим муассасасига ўтиб ўқиш имконияти яратилганлиги ҳақида тўлиқ маълумот берилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг номи қайд этилган 2012 йил 4 июндаги қарорининг ижросини сўзсиз таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Мазкур қарорга асосан, янги ташкил этилган институтда маданият, театр санъати, кино ва телевидение соҳасида замонавий талабларга жавоб берадиган, халқ ижодиёти анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қодир, бадиий ижоднинг замонавий усуллари, инновацион техника ва технологияларни пухта эгаллаган юксак малакали мутахассисларни тайёрлаш,

(Давоми 2-бетда).

### Биз ва жаҳон

*Яқинда Франциянинг Нанси шаҳрида халқ бадиий ҳунармандчилигининг анъанавий 78-Халқаро кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтди. Эътиборлиси, Франциянинг энг йирик маданий тадбирларидан бири саналмиш мазкур кўргазма-ярмарка бу гал Буюк Ипак йўлига бағишлаб ўтказилди.*

# Ўзбекистон Нанси халқаро кўргазмасида

Ушбу халқаро анжуман дунёнинг 40 дан зиёд мамлакатидан келган ҳунармандларни, шу жумладан, Ўзбекистон вакилларини ҳам ўз атрофига тўплади. Ташкилотчиларнинг қайд этишича, кўргазмани 150 минг нафардан ортиқ киши келиб кўрди.

Мамлакатимиз вакиллари мазкур ярмаркада илк маротаба қатнашаётган бўлишига қарамай, унда намойиш қилинган, қўлигул ўзбек усталари томонидан яратилган халқ амалий санъати буюмлари тадбир иштирокчилари томонидан юқори баҳоланди.

Ўзбекистон бўлмасига ташриф буюрган кўп сонли меҳмонлар ёғоч ва матодан тайёрланган ранг-баранг халқ амалий санъати маҳсулотлари, юртимизнинг тарихий шаҳарларида жойлашган меъморий обидалар акс этган суратлар билан танишишлари баробарида, қадим маданиятимизнинг нақадар бетакрор ва ранг-баранглигига гувоҳ бўлдилар. Шу ўринда дўппи, тўн сингари турли либослар ҳамда ранг-баранг, сержило сўзана ва гиламлардан иборат кўҳна Шаҳрисабз маҳсулотлари тадбир меҳмонларида алоҳида қизиқиш уйғотганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ўзбекистон бўлмасига келганларнинг аксарияти юртимизда бўлиш, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидаги меъморий обидаларнинг жозибадорлигини ўз кўзлари билан кўриш истагини билдиришди.

"Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида **Халқаро ярмарка президенти Э. Летьер** мазкур маданий тадбирнинг муваффақиятли ўтказилишига ўз ҳиссаларини қўшган ўзбек ҳунармандларининг маҳоратига юксак баҳо берди. "Бугун мен мамлакатингизда бетакрор асарлар яратадиган ва улар бизда доимо катта қизиқиш уйғотадиган ҳамда Европа бозорида рақобатбардош бўлган ажойиб, қўлигул ҳунармандлар яшаб, ижод қилаётганига амин бўлдим", деди у.

Ўз навбатида, **Халқаро ярмарка директори Ж. Локтин** Ўзбекистоннинг минтақадаги маданий ва маънавий марказ сифатида тутган ўрнини алоҳида қайд этди. Кўргазмадан олган таассуротлари билан ўртоқлашар экан, у Ўзбекистон бўлмаси ярмарка меҳмонларида улкан завқ-шавқ уйғотганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

# Интилиш, иқтидор ва маҳорат кўриги

*Бугун шижоатли ўғил-қизларимиз кенг дунёқараш, пухта билим ва чинакам камолот соҳиби бўлишга астойдил интилмоқдалар. Уларнинг иқтидори ҳамда заковати кўпчиликда ҳавас уйғотаётгани ҳам бежиз эмас, аслида.*

### «Келажак овози — 2012»

Зеро, мамлакатимиз ёшлари орасида илму фан, касб-ҳунар, санъат ва спорт каби йўналишларда эътирофга арзигулик натижаларга эришаётган истеъдод соҳиблари кўпчиликни ташкил этади. Ана шундай ғайратли, ташаббускор ёшларга юксак ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг истеъдодини юзага чиқариш ва қўллаб-қувватлаш эса доимий эътиборда. Бу борадаги эзгу чора-тадбирларни амалга оширишда, айниқса, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази сингари ташкилотлар фаоллик намунасини кўрсатмоқдалар. Хусусан, саккиз йилдирки, "Фонд форум" ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ва ёшларнинг илғор ғоялари, илмий ҳамда ижодий изланишлари маҳсулини кенг тарғиб этишга хизмат қилаётган "Келажак овози" республика кўрик-танлови фикримизнинг яққол далилидир.

Куни кеча мазкур нуфузли беллашувнинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Эътиборлиси, танловда иштирок этиш истагидаги ёшлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Масалан, бу йилги кўрикда 4500 нафардан зиёд қорақалпоғистонлик ёшлар қатнашди.

(Давоми 2-бетда).

# Мамлакатимизда:

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Андижон

*Асакадаги "Меридиан" хусусий корхонасида 145 минг АҚШ долларилик модернизациялаш ишлари амалга оширилгач, ишчилар сони 30 тага етди.*

## Автомобиллар учун бутловчи қисмлар

Автомобиллар учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонада йилига 16 мингдан ортиқ турли деталлар ишлаб чиқарилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг биринчи чорагида 199,1 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилди.

Туманда 3300 та шундай хусусий корхона ва кичик бизнес субъектлари бўлиб, уларда амалга оширилган модернизациялаш ишлари натижасида жами 138 та янги иш ўрни ташкил этилди.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Сув қувурлари ўтказилди

*Олот туманидаги "Жумабозор" қишлоқ фуқаролар йиғинида сув таъминотини йўлга қўйиш учун 500 миллион сўм сарфланди.*

### Бухоро

Натижада Кесакли, Томжиқ, Боғқишлоқ, Мухтор ва Човдир қишлоқлари ичимлик суви билан тўлиқ таъминланди. Оғар ва Кундалига эса сув қувурлари тортиш юмушлари жадал давом эттирилмоқда.

Бундай саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, жорий йилнинг биринчи чорагида вилоят бўйича 62 километр узунликда сув қувурлари ўтказилиб, 10 дан зиёд аҳоли пунктларида ичимлик сув таъминоти яхшиланди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Дори-дармон ва таъминот

*Ўзбекистон Миллий матбуот марказида қишлоқ аҳолисини сифатли дори воситалари билан таъминлашни янада яхшилаш борасидаги чора-тадбирларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.*

### Тошкент

Мазкур тадбирда Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари, "Дори-дармон" акциядорлик компанияси вакиллари ва мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган қатор хусусий дорихоналар мутахассислари иштирок этишди.

Таъкидланганидек, юртимизда эл саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган изчилислоҳотлар самараси ўлароқ, тиббий хизмат сифат жиҳатидан тобора юксалиб бормоқда. Шу билан бирга, бугун фармацевтика саноатида ҳам ижобий натижаларга эришилаётир. Бунга мисол тариқасида маҳаллий компанияларда жаҳон андозаларига мос дори-дармон воситаларини ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилганлиги,

(Давоми 2-бетда).

### Наманган

*Уйчи туманидаги Ёркатай қишлоғида фаолият кўрсатаётган "Мегатекстиль" хорижий корхонасида қувватлар тўла ишга солиниб, қишлоқ ёшларидан 225 нафари доимий ишга жалб этилди.*

## Ёркатайдан – жаҳон бозорига

Шунга мос равишда маҳсулот ҳажми ҳам ортди. Жумладан, жорий йилнинг биринчи чорагида 722,3 миллион сўмлик калава ип ишлаб чиқарилиб, 15 фоиз ўсишга эришилди. Шу даврда 96,9 минг АҚШ долларига тенг экспорт амалиёти бажарилди.

Айтиш лозимки, вилоятдаги саноат корхоналарини модернизациялаш ҳисобига уларнинг ташқи бозордаги иштироки муттасил кенгайиб бораётир. Шу йилнинг биринчи чорагида улар томонидан 19,3 миллион АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилингани ҳам бунинг яққол далилидир.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

2008 — 2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастурининг изчил ижроси туфайли охирги тўрт йилда

**1 164** **минг гектардан ортиқ экин майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланди.**

Давлат дастури доирасида 550 миллиард сўм миқдоридаги маблағ ажратилиб, катта ҳажмдаги мелиорация тадбирлари сифатли бажарилгани, хусусан, коллектор-дренаж тармоқлари, мелиоратив насос станциялари, тик ва ётиқ қудуқлар реконструкция қилингани, кўплаб янги иншоотлар барпо этилгани туфайли тизимда ана шундай ижобий натижага эришилди.

# Ўзбекистон Нанси халқаро кўргазмасида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

"Ўзбекистон вакиллари ярмаркамизнинг доимий қатнашчиларига айланишига чин дилдан умид қиламиз, — деди у. — Ишонтириб айтишим мумкинки, ўзбек ҳунармандларининг ишлари — мамлакатингиз халқ амалий санъати буюмлари бизда унутилмас таассурот қолдирди. Шунинг учун ҳам Францияда ўзбек маданиятини оммалаштиришга кўмаклашаётганимиздан мамнунмиз. Бугун биз Ўзбекистонда маданият ва маънавиятнинг муҳим омили бўлмиш халқ ижодиётига, жумладан, ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганининг гувоҳи бўлдик, дейиш мумкин".

Ўзбекистоннинг Нанси Халқаро ярмаркасидаги иштироки маҳаллий оммавий ахборот воситалари эътиборидан четда қолмади. Жумладан, Лотарингия минтақасида чоп этиладиган етакчи нашр — "L`Est Republicain" газетаси саҳифаларида Шаҳрисабздаги бадиий каштадўзлик фабрикаси ҳақида ҳикоя қилинар экан, газетхонлар ўзбек ҳунармандчилигининг бой анъаналари ва мероси билан атрофлича таништирилган.

**«Жаҳон» АА.**
Париж



# Давлат комиссияси мажлиси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

ёшларни ватанпарварлик ва миллий ғояга садоқат руҳида, маънавий юксак ва ҳар томонлама баркамол ривожланган, кенг дунёқарашга эга бўлган ва мустақил фикрлайдиган шахслар этиб тайёрлашга алоҳида аҳамият қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 24 майда қабул қилинган «2012/2013 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарори ижросини ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. 2012 йил республика умумтаълим мактабларининг 9-синфларини 560 минг 345 нафар ўқувчи тугатади. Шундан келиб чиқиб, 2012/2013 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига тўлиқ қамраб олиш ҳамда иқтисодиёт тармоқларининг йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотли мутахассисларга реал эҳтиёжини қоплаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳар бир академик лицей ва касб-ҳунар коллежининг касблар бўйича қабул параметрлари Давлат комиссияси мажлисида тасдиқланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорларида белгиланган устувор вазифалар ижросини оғишмай амалга ошириш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди ва олий таълим муассасаларига қабул қилиш жараёнларининг ўрнатилган тартибда адолатли ўтишини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**(ЎзА).**

## Хорижий инвестиция: РАҒБАТ ВА ИМТИЁЗ

*Навоий вилоятида жорий йилнинг январь — март ойларида 283,9 миллиард сўмлик инвестиция жалб қилиниб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 174,8 фоиз ўсишга эришилди.*

### Тадбир

"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси дирекциясида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан ташкил этилган "Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш" мавзуидаги семинарда шу ҳақда атрофлича маълумот берилди. Унда вилоят ҳокимлиги, назорат қилувчи органлар вакиллари, тадбиркорлар, хорижий инвесторлар, қўшма корхоналар раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

— Тадбирда Президентимизнинг 2012 йил 10 апрелдаги "Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида кўзда тутилган вазифалардан келиб чиқиб, хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, қўшма корхоналарга яратилаётган солиқ ва божхона имтиёзлари ҳақида кенг тушунтириш берилди, — деди Республика Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи Ислом Жасимов.

**З. АЗАМАТОВ.**

## Энергетика тизими:

# ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРАСИ




(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бундан ташқари, шу кунларда яна 2 та энергоблокни модернизация ва реконструкция қилиш учун қиймати 60 миллион АҚШ долларилик лойиҳа устида иш олиб борилаяпти.

"Sirdaryo issiqlik elektr stansiya"сида амалга оширилаётган бу каби янгиланишлар унинг ҳар бир блокида иш жараёни бир маромда кечишини таъминлаяпти. Бу эса корхонада меҳнат қилаётган 2455 нафардан ортиқ ишчиларнинг жорий йилда истеъмолчиларга 15,5 миллиард кВт соат электр энергияси етказиб беришдек эзгу мақсадлари рўёбга чиқишидан далолатдир.

Бу ерда ҳар бир блокда автоматлаштирилган бошқарув пульти мавжуд. Уларнинг иш жараёни билан танишиш чоғида катта машинист Тимур Ахунбоевни суҳбатга тортдик.

— Ишлаб чиқаришнинг ҳамма кўрсаткичлари мана шу бошқарув пультига келади ва биз бу жараённи назорат қилиб турамиз, — дейди у. — Бу ерда барча ахборотлар жамланади. Ўзгаришлар ҳар соатда махсус дафтарга қайд қилиб борилади.

Яна бир эътиборга молик жиҳати шундаки, иссиқлик электр станцияси ишчилари сафи ёшлар ҳисобига тобора кенгайиб бораётир. Биргина ўтган йилнинг ўзида 18 нафар олий маълумотли ёш мутахассис, 90 нафар касб-ҳунар коллежи битирувчиси ишга қабул қилинди. Қолаверса, ҳудуддаги барча шарт-шароитга эга соғломлаштириш маркази ва тиббиёт пунктида ишчиларнинг соғлиғи мунтазам назорат қилиб турилади. "Энергонаслчорва" шўъба корхонасидаги 200 квадрат метрлик сунъий ҳавзада етиштирилаётган балиқ ҳамда иссиқхонада парваришланаётган маҳсулотлар уларга арзон нархларда сотилаётгани ҳам айни муддао бўлмоқда.

Корхонада "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида 10 нафар ишчига намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойлардан харид қилиши учун 250 миллион сўм миқдорида фоизсиз кредит берилган. Бу уларни республикамиз иқтисодиётини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш йўлида астойдил меҳнат қилишга ундамоқда.



**Шомурод ХОЛМУРОДОВ, Ҳасан ПАЙДОЕВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбирлари.**

### Изланиш

*Сариосиё туманидаги "Навбаҳор Ғунча" хусусий корхонаси томонидан йилига 80 тонна балиқ етиштириш имконига эга бир гектарлик сунъий кўл барпо этилди.*

# Йилига 80 тонна балиқ

Натижада қишлоқ ёшларидан 5 нафари доимий иш билан таъминланди.

Тадбиркор ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 50 миллион сўм сарфлади. Айни пайтда кўлга балиқ чавоқлари ташланиб, парваришланмоқда.

— Кузга бориб бу борадаги ишларимизни янада кенгайтириш ниятидамиз, — дейди корхона раҳбари Ҳ. Муқимов. — Ана шунда балиқ етиштириш ҳажми ошиши баробарида, қўшимча иш ўринлари ҳам яратилади.

Айтиш жоизки, вилоятда жорий йилда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаси, хусусан, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликни ривожлантириш ҳисобига 10 мингдан зиёд иш ўринлари ташкил этиш кўзда тутилган.

**Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Қўшма корхонанинг хуштаъм шарбатлари

*"Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало, инсон манфаатлари учун" деган тамойил асосида мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани, халқимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган фаровон турмуш яратилаётгани барча жабҳаларда ўз ифодасини топмоқда.*

### Жараён

Айниқса, янги иш ўринлари бунёд этиш, ишлаб чиқариш сифати ва самарадорлигини ошириш борасида жойларда кўрилаётган чора-тадбирлар таҳсинга лойиқ. Жумладан, Самарқанд вилоятида ҳам иқтисодий барқарорликка ва ижтимоий фаолликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, ўтган йили бу ердаги корхоналарни модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлаш мақсадлари учун 576 миллиард сўмлик инвестициялар жалб этилди. Биргина саноатни ривожлантириш бўйича тасдиқланган дастурлар доирасида 71 миллион АҚШ долларига тенг 255 та лойиҳа рўёбга чиқарилиб, кўплаб иш ўринлари яратилди.

Иқтисодий ночор ва кам қувват билан ишлаётган корхоналарни молиявий соғломлаштириш дастурига асосан эса, 42 та корхонага 69,5 миллиард сўм миқдорида инвестициялар йўналтирилган ҳолда, 1316 та иш ўрни тикланди. Саноат соҳасига оид дастурлар ижроси натижасида ишлаб чиқариш ҳажми 2010 йилдагига нисбатан 2011 йилда 11,4 фоизга ўсди ҳамда 99,3 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот ва хизматлар экспорт қилинди.

Модернизациялаш шарофати туфайли ривожланиб бораётган саноат корхоналари ҳақида гап кетганда, Самарқанд туманининг Гулобод қўрғонидаги "Agromir — Samarkand" МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси фаолиятини ибрат қилиб кўрсатса арзийди. Сабаби, ўтган йили мазкур корхонага Швейцариянинг "Tetrapak" компаниясидан қиймати 3,5 миллион еврога тенг энг сўнгги русумдаги шарбат қадоқлаш ускуналари келтирилди. Бир кеча-кундузда 140 минг дона 1 литр ва 0,2 литр сиғимдаги "Tetrapak" картон қутиларига шарбатларни қадоқлайдиган ушбу линия ўрнатилгач, корхонада ишлар янада юришиб кетди.

— Эндиликда цехларимизда турли мевалардан 16 хил шарбат тайёрланмоқда, — дейди корхона директорининг ўринбосари Исроил Нормаматов. — Янги ускуналар соатига 9 минг дона, йилига 50 миллион дона 1 литрлик, 70 миллион дона 0,2 литрлик қутиларда шарбатлар ишлаб чиқариш қувватига эга. Ана шундай янгиланишлар натижасида ўтган йили 75 та иш ўрни яратилди. Доимий ишловчилар сони эса 320 нафарга етди. Бундан ташқари, ёз ойларида 1000 нафарга яқин мавсумий ишчилар меҳнат қилишади.

Дарҳақиқат, "Agromir — Samarkand"нинг хуштаъм шарбатлари барчага манзур бўлмоқда. Бугунги кунда республикамизнинг барча вилоятларидаги шаҳару қишлоқларнинг савдо дўконларида чиройли, бежирим қутиларда бу ерда тайёрланган турли шарбатлар сотилмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, серқуёш Ўзбекистонимизнинг сархил, шириндан шакар меваларидан тайёрланаётган маҳсулотлар хорижликларга ҳам маъқул келмоқда. Яъни улар Украина, Польша, Германия каби давлатларга экспорт қилинмоқда. 2011 йилда корхонада 26 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шундан 5 миллион АҚШ доллари миқдоридагиси экспорт қилингани ана шундан далолат беради.

Корхонада ишчилар учун барча шарт-шароит яратилган. Шу боис ҳар ким зиммасидаги ишни масъулият билан уддаламоқда. Цех бошлиғи Умид Назаров, ишчи Азиз Усмонов, операторлар Зафар Эрназаров, Дмитрий Николаев, Алишер Хушматов, Азиз Отауллаев кабилар корхонанинг энг фаолларидан саналади.

Хулоса ўрнида айтганда, Самарқанд туманидаги корхоналарда бу борада олиб борилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар уларнинг ривожланиш сари дадил қадам ташлашларига хизмат қилмоқда.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Интилиш, иқтидор ва маҳорат кўриги

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Танловнинг туман ҳамда шаҳар миқёсидаги саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтган 330 нафар йигит-қиз якуний беллашувга йўлланма олиш мақсадида билими, иқтидори ва маҳоратини намоён этишга ҳаракат қилди.

— Танловнинг рационализаторлик таклифлар, техник лойиҳа ва ишланмалар йўналишида янги лойиҳам билан иштирок этаяпман, — дейди Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали талабаси Даврон Ўнғарбоев. — Ушбу ишланмани институтимиз лабораториясида яратганман. Препаратнинг афзаллиги шундаки, у айни пайтга қадар уч хил касталик муолажасида қўлланиладиган дорилар, яъни "Флуконазол", "Чаканда мойи" ва "Бифидум бактериум"лар хусусиятини ўзида жамлаган. Бу янги дорини "FOB-DOK" деб номладим. Мазкур восита сифатли, арзон бўлиши билан бир қаторда, юқоридаги уч хил дорига хос ножўя таъсирларга эга эмас.

Давронбек сингари энг иқтидорли ёшлар сараланган ушбу тадбирда 38 нафар ўғил-қиз кўрикнинг сўнгги босқичига йўлланма олди.

* * *

"Келажак овози — 2012" беллашувининг Навоий вилояти босқичи ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди. Янгидан-янги қобилият эгаларини кашф этган навбатдаги танловда 501 нафар йигит-қиз ўзаро беллашди. Кўрикнинг рационализаторлик таклифлар, техник лойиҳа ва ишланмалар, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда назм ва публицистика йўналишларига қизиқувчилар бу йил, айниқса, кўп бўлди.

— Архитектура ва қурилиш соҳасига ниҳоятда қизиқаман, — дейди Навоий давлат кончилик институти талабаси Маҳлиё Турсунова. — Шу боис танловда мазкур соҳага оид янги ғоям билан иштирок этишга қарор қилдим. Ҳайъат аъзолари шўрга чидамли цемент яратиш (унинг таркибига кул қўшилади) технологиясига оид ишланмамни юқори баҳолашди. Бундан бениҳоя хурсандман. Келгусида янада кўпроқ изланиб, замонавий архитектура соҳасига оид янгидан-янги изланишларни амалиётга татбиқ этиш ниятидаман.

Тадбирда турли йўналишлар бўйича ғолиб бўлган 41 нафар истеъдод соҳиби энди ўз имкониятини республика босқичида синаб кўради.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ, Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2012 йил 12 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1873,55 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2920,76 |
| 1 Дания кронаси | 319,29 |
| 1 БАА дирҳами | 511,34 |
| 1 АҚШ доллари | 1878,06 |
| 1 Миср фунти | 311,22 |
| 1 Исландия кронаси | 14,63 |
| 1 Канада доллари | 1839,25 |
| 1 Хитой юани | 294,97 |
| 1 Россия рубли | 57,63 |
| 1 Украина гривнаси | 234,98 |
| 1 Малайзия ринггити | 593,95 |
| 1 Польша злотийси | 556,83 |
| 1 СДР | 2837,45 |
| 1 Туркия лираси | 1036,51 |
| 1 Швейцария франки | 1975,03 |
| 1 евро | 2346,79 |
| 10 Жанубий Корея вони | 16,09 |
| 10 Япония иенаси | 235,94 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

# Дори-дармон ва таъминот

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

энг чекка қишлоқ ҳудудларига зарур препарат ҳамда тиббий буюмларни етказиб бериш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётганлигини тилга олиш мумкин.

Маълумки, бундан ўн беш-йигирма йил аввал юртимизда бор-йўғи 2 та фармацевтика корхонаси фаолият кўрсатар эди. Бугунги кунга келиб эса мамлакатимизда 120 дан зиёд дори ишлаб чиқарувчи компаниялар мавжуд. Ушбу корхоналар маҳаллий хом ашёдан сифатли дори воситаларини тайёрлаш борасида ўзаро соғлом рақобат муҳитида иш олиб бормоқда. Соҳага жалб этилаётган йирик инвестициялар ҳисобидан ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ортиб бораяпти ва айни пайтда мингдан зиёд турдаги янги препаратлар истеъмолга чиқарилаётир. Бундан ташқари, 130 номдаги дори воситалари экспорт қилинмоқда.

Бугун нафақат шаҳар марказлари, балки мамлакатимизнинг энг чекка қишлоқ жойлари ва бориш қийин бўлган тоғли ҳудудларига ҳам зарур дори-дармонларни ўз вақтида етказиб беришда "Дори-дармон" акциядорлик компаниясининг муносиб ҳиссаси бор. Ушбу компания тизимида мингдан ортиқ дорихоналар ва уларнинг шохобчалари мавжуд. Эътиборлиси, ана шу дорихоналарнинг аксарияти олис ҳудудлардаги қишлоқ врачлик пунктлари қошида фаолият кўрсатмоқда. Қишлоқ аҳолисини дори воситалари билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида бундан икки йил муқаддам махсус жиҳозланган "ISUZU" русумли автофургонларда кўчма дорихоналар фаолияти йўлга қўйилган эди. Жорий йилнинг биринчи чорагида улар орқали 342 миллион сўмликдан зиёд савдо-сотиқ ишлари амалга оширилди.

Анжуманда дори таъминотини янада такомиллаштириш, маҳаллий бозорга сифатсиз ва қалбаки препаратлар кириб келишининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

**Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Туризм:

# Амалий ҳаракатлар, истиқболли лойиҳалар

*Қашқадарё — тарихий обидалар, қадимий осори-атиқалар, муқаддас қадамжоларга бой замин. Қарши шаҳридаги Одина, Кўкгумбаз обидалари, Қашқадарё кўприги, Ерқўрғон қолдиқлари, Шаҳрисабздаги соҳибқирон Амир Темур давридан мерос Оқсарой маданий ёдгорлиги, Китоб туманидаги Ҳазрати Башир, Қамаши туманидаги Лангар ота зиёратгоҳлари ана шулар жумласидан.*

### Ислоҳот

Қолаверса, воҳанинг бетакрор табиати, одамларининг меҳмондўстлиги, истиқлол йилларида бу ерда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари аллақачон дунё аҳли эътиборига тушиб улгурган. Шу боис бугун Қашқадарё заминидан сайёҳу меҳмонлар қадами узилмайди. Бу эса вилоятда туризмни янада ривожлантириш, дунё андозаларига мос сайёҳлик инфратузилмаларини яратиш, замонавий хизмат турларини йўлга қўйишни тақозо этмоқда.

— Қашқадарёда 2011 — 2012 йиллар мобайнида туризм соҳасини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича манзилли чора-тадбирлар дастури қабул қилинган, — дейди "Ўзбектуризм" миллий компанияси вилоят сайёҳлик ва экскурсиялар бюроси директори Ўктам Хўжаяров. — Шунга мувофиқ, воҳадаги тарихий обидаларни реконструкция қилиш, 11 та замонавий меҳмонхона бунёд этиш, йўл инфратузилмасини такомиллаштириш каби устувор вазифалар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, вилоятда фаолият юритаётган 16 та сайёҳлик компанияси, корхоналар раҳбарлари, меҳмонхона ва ресторан хизматчилари малакасини ошириш бўйича ҳам изчил чора-тадбирлар олиб борилаётир.

Китоб тумани — экотуризмни ривожлантириш учун қулай ҳудуд. Туманни шимолдан Зарафшон, шарқдан Ҳисор тоғ тизмалари ўраб туради. Бу ерда хушманзара ва баҳаво манзиллар талайгина. Масалан, туман чегарасидаги денгиз сатҳидан 4145 метр баландликда жойлашган Ҳазрати Султон ота зиёратгоҳидан саёҳатчилар қадами узилмайди. Шунингдек, Ҳазрати Башир, Қайнар, Юқори Аёқчи, Жовуз, Матмон, Қавзахона, Синчкент, Хўжа Неъмати, Суқар, Шердор, Сиёб қишлоқлари ўзининг бетакрор манзаралари, зиёратгоҳ гўшалари билан ном қозонган. Айниқса, ёз ойларида бу гўшаларнинг ҳавоси бошқа жойларга нисбатан бирмунча салқин. Шу боис саратонда сайёҳлар тоғ этагидаги мазкур қишлоқларда ҳордиқ чиқаришни хуш кўришади.

Тумандаги "Китоб сайёҳ" фирмаси раҳбари Аҳад Бердиевнинг таъкидлашича, ҳар йили ушбу корхона томонидан 5 минг нафардан зиёд меҳмонга сайёҳлик ва сервис хизмати кўрсатилмоқда. Эътиборлиси, уларнинг сони йил сайин ошиб бораётир. Вилоят миқёсидаги кўрсаткичлар таҳлили ҳам буни яққол тасдиқлайди. Жумладан, 2004 йилда воҳада сайёҳларга 124,2 миллион сўмлик турли хизматлар кўрсатилган бўлса, 2005 — 2010 йилларда бу миқдор 1 миллиард 610,7 миллион сўмликка етди, яъни ўн барobardan зиёд ўсишга эришилди. Ўтган йили эса воҳа меҳмонлари 2 миллиард 25,6 минг сўмлик сайёҳлик хизматларидан фойдаландилар.

Жорий йилда бу йўналишда амалга оширилаётган ислоҳотлар кўлами янада кенг. Айни пайтда туризм инфратузилмаларини такомиллаштириш, янги хизмат кўрсатиш мажмуаларини барпо этиш, тарихий обидалар ҳудудини ободонлаштириш борасидаги хайрли юмушлар давом эттирилмоқда. Мазкур йўналишдаги истиқболли лойиҳалар ижросида замон талаблари, дунё стандартлари тўлиқ ҳисобга олинаяпти.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Молия муассасаларида

*Мамлакатимизда саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишларига устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратилмоқда. Чунки ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этмасдан туриб, бозор талабига мос, яъни рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашнинг иложи йўқ. Республикамизда бундай лойиҳалар тижорат банклари томонидан молиялаштирилаётгани эса муваффақиятлар омили бўлаяпти. Бу жараёнда "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банкининг Асака филиали ҳам фаол иштирок этаётир.*

# Бунёдкорликка йўналтирилаётган сармоялар

Дарҳақиқат, мазкур филиал кредитларининг салмоқли қисми йирик саноат корхоналари ва кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштиришга йўналтирилмоқда. Натижада янги турдаги маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилиб, ички бозор сифатли ва арзон халқ истеъмоли моллари билан тўлдирилмоқда. Жумладан, "Автокомпонент" очиқ акциядорлик жамиятига имтиёзли шартларда узоқ муддатли кредит ажратилгач, бу ерда хорижнинг замонавий технологик линиялари ўрнатилиб, автомобилларнинг бутловчи қисмларини тайёрлаш йўлга қўйилди. Энг асосийси, 40 нафар кишининг бандлиги таъминланди.

Ёки бўлмаса, Асака туманидаги парранда гўшти ва тухум етиштиришга ихтисослаштирилган "Чинобод парранда" масъулияти чекланган жамиятида мавжуд ускуна ва жиҳозлар эскириши оқибатида маҳсулот етиштириш ҳажми пасайиб кетаётган эди. Шундай пайтда филиал томонидан узоқ муддатли имтиёзли кредит ажратилаётгани айни муддао бўлди. Ушбу маблағ ҳисобига энг замонавий жиҳозлар олиб келиб ўрнатилди. Айни пайтда корхонанинг 16 кишилик жамоаси туман аҳолисига юқори сифатли ва арзон нархларда парҳез гўшт ҳамда тухум етказиб бермоқда.

Банк филиали шу каби хизматлар кўламини кенгайтириш, аҳоли ва тадбиркорларга янги хизмат турларини жорий этиш пайидан бўлмоқда. Бундан, айниқса, мижозлар мамнун.

— Вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида, хусусан, Асакада ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари жадал олиб борилмоқда, — дейди "Марказий Осиё" масъулияти чекланган жамияти раиси Рустамжон Мадаминов. — Эски, кўримсиз бинолар ўрнида янги иншоотлар қад ростлаяпти. Тадбиркорлик фаолиятимизни кенгайтириш, аҳолига сифатли хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадида шаҳримиздаги савдо мажмуасини хусусийлаштириб олган эдик. Лекин уни қайта таъмирлаш ва жиҳозлаш учун сармоя етмаётган эди. "Асака" банкининг молиявий кўмаги туфайли ушбу бино замонавий қиёфа касб этди. Ҳозирги кунда бу ерда 48 киши меҳнат қилаяпти.

Таъкидлаш керакки, жорий йилда банк филиали бу борадаги лойиҳаларни молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу кредит сиёсатида ҳам ўз аксини топган. Бундан кўзланган мақсад — мавжуд ресурсларнинг ликвидлигини сақлаш, сармояларни кредитларга йўналтириш орқали юқори даромадлиликни таъминлашдан иборат. Шу боис Маҳаллийлаштириш дастури доирасида хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ҳамда турли материаллар ишлаб чиқаришга мўлжалланган инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишда фаоллик кўрсатаяпти. Ушбу мақсадлар учун ўтган йили 3,4 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилиши эвазига 160 та иш ўрни яратилган бўлса, жорий йилнинг беш ойида берилган 1,8 млрд. сўм миқдоридаги кредитлар ҳисобига 143 киши ишга жалб этилди.

Кўрилаётган аниқ мақсадли чора-тадбирлар туфайли банкнинг кредит портфели тобора мустаҳкамланиб бораяпти. Пировардида мулкчиликнинг барча шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар, айниқса, оилавий бизнес ва кичик тадбиркорлик соҳаси вакиллари, экспортчи корхоналар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётир. 2012 йил 1 июнь ҳолатига кўра, кредит қўйилмалари ҳажми 14,4 млрд. сўмни ташкил қилиб, белгиланган режа ортиғи билан уддалангани бунинг яққол далилидир. Эътиборлиси, 91,3 фоизи узоқ муддатли кредитлар ҳисобланади. Бу банк ўз фаолиятида қисқа муддатли кредитлашдан узоқ муддатли кредитлашга кўпроқ аҳамият бераётганининг самараси, албатта.

Банк филиали бошқарувчиси Бобуржон Сатторовнинг айтишича, ҳозирги пайтда банк ресурс базасини янада мустаҳкамлаш, лойиҳалар таҳлили сифатини яхшилаш, янги молиявий хизматларни жорий этиш борасида аниқ чора-тадбирлар амалга оширилаяпти. Шу мақсадда жалб этилаётган кредит линиялари ва банкнинг ўз ресурсларини қайта молиялаш ҳисобидан ажратилаётган кредитлар ҳажмини кўпайтиришга кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

Мухтасар айтганда, "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банкининг Асака филиали маҳаллий молия бозорида истиқболли, жадал ривожланаётган, мижозларга кўрсатилаётган хизматлар кўламини доимо кенгайтираётган банк сифатида ўз ўрнини тобора мустаҳкамлаб, мижозлар ишончини қозониб бораётир.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

NBU

### ОЧИҚ ОФЕРТА САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**Очиқ оферта савдосига Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг қуйидаги корхоналардаги устав фондидаги 100 фоиз улуши қўйилмоқда:**

| Т/р | Оферта савдосига қўйилган объект ва фаолият тури | Корхона жойлашган манзил | Сотувга қўйилган улуш (%) | Закалат миқдори (%) бошланғич баҳодан | Бошланғич баҳоси сўм ёки АҚШ долларида | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | сўм | АҚШ доллари |
| 1. | «AZIA AYS» МЧЖдаги улуш. Музқаймоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш | Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор даҳаси, 26-мавзе, Ширин кўчаси, 7-уй | 100% | 1% | 1 628 540 000 | 924 461,15 |
| 2. | «KINDER FRUITS» МЧЖдаги улуш. Болалар таомлари ишлаб чиқариш | Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 57-уй | 100% | 1% | 16 367 616 000 | 9 550 481,97 |
| 3. | «NAMANGAN QOGOZI» МЧЖдаги улуш. Қоғоз ишлаб чиқариш | Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Қурувчилар кўчаси, 50-уй | 100% | 1% | 3 901 410 000 | 2 233 716,94 |
| 4. | «TOSHKENT QOGOZI» МЧЖдаги улуш. Қоғоз ишлаб чиқариш | Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 23-уй | 100% | 1% | 25 854 000 000 | 14 802 473,38 |
| 5. | «NUKUS AGRO» МЧЖдаги улуш. Томат паста ишлаб чиқариш | Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Саманбай қишлоғи | 100% | 1% | 2 061 396 000 | 1 204 754,98 |

Оферта савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар ўрнатилган тартибда тўлдирилган буюртманомаларни Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкига тақдим қиладилар ва закалат тўғрисидаги келишувига асосан, мазкур эълонда белгиланган миқдордаги закалат пулини Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкининг БХКМдаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлайдилар: 29801000000000450047, МФО: 00450, СТИР: 200836354.

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан закалат тўлови эркин муомаладаги валюта (АҚШ доллари)да ёки миллий валюта (сўм)да амалдаги қонунчиликка мувофиқ тўланади.

Оферта таклифларини қабул қилиш муддати 2012 йил 12 июль куни Тошкент вақти билан соат 18.00 да тўхтатилади.

Оферта таклифлари тақдим этилган конвертларни очиш ва оферта савдосини ўтказиш билан боғлиқ музокаралар 2012 йил 16 июль куни Тошкент вақти билан соат 11.00 да ТИФ Миллий банкида амалга оширилади.

Таклифларни очиш вақтида оферта савдосида ўрнатилган тартибда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Оферта савдосида энг мақбул таклиф киритган талабгор оферта ғолиби, деб топилади.

**Тўловларни амалга ошириш тартиби:** олдиндан тўлов — сотилиш баҳосининг камида 15% миқдорида, қолган қисми — олди-сотди шартномасида белгиланган муддатларда.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига банкнинг АҚШ доллари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришдаги зарур бўладиган давлат божи ва бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Оферта савдоси ўтказилиши ва оферта ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкининг инвестиция фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш департаментига мурожаат қилиш мумкин. Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй. Телефон: (8-371) 234-11-22, 234-15-60. Факс: (8-371) 234-44-38. www.nbu.com**

964А655






## ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ СИНГАПУР МЕНЕЖМЕНТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИНСТИТУТИ

### 2012 — 2013 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН БАКАЛАВРИАТ ВА МАГИСТРАТУРА ДАСТУРЛАРИГА қуйидаги йўналишлар бўйича ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**I. БАКАЛАВРИАТ:**

**Бакалавр илмий даражаси: Банк иши ва молия / Бизнес ва маркетинг / Саноат менежменти / Тадбиркорлик ва менежмент**
Уэльс университети (Буюк Британия) томонидан аккредитацияланган

**Бизнес бакалавр даражаси: Халқаро туризм ва меҳмонхона бошқаруви**
Саузен Кросс университети (Австралия) томонидан аккредитацияланган

**Ўқиш муддати** — 4 йил (кундузги ўқиш тури).

**Умумихтисослаштирувчи — биринчи курс (Foundation Year)** га кирувчи абитуриентлар учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:
— ўрта маълумотга эга эканлик ҳақида шаҳодатнома/аттестат (11 йиллик мажбурий таълим бўйича) ёки академик лицей/касб-ҳунар коллежи дипломи. Ушбу ҳужжатлар иловасидаги ўртача баҳолар 4,0 баллни ташкил этиши ва математика фанидан камида «4» — «яхши» баҳо бўлиши талаб этилади.
— ТСМРИ кириш имтиҳонида камида 5,5 балл тўплаш ёки халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган инглиз тили бўйича сертификат бўлиши шарт.

**Инглиз тили бўйича сертификат:** «IELTS» (International English Language Testing System), PCIE (Professional Certificate in English) — ТСМРИ тайёрлов курсларининг битирув имтиҳонлари натижалари бўйича (PCIE битирув имтиҳони натижаларининг амал қилиш муддати — 2 йил) камида 5,5 балл ёки «TOEFL» (Test of English as a Foreign Language) бўйича камида 200 балл (computer-based) ёки 520-549 балл (paper-based).

**Иккинчи курс (Year 1 )га қабул қилиш талаблари:**
— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасдиғидан ўтган олий ўқув юртларининг биринчи ёки ундан кейинги босқичларини муваффақиятли тамомлаганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
— маълум босқич (рейтинг дафтарча) ёки босқичлар (диплом иловаси) якуни бўйича ўртача натижа 4,0 баллдан кам бўлмаслиги лозим;
— ТСМРИ кириш имтиҳонида камида 6,0 балл тўплаш ёки халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган инглиз тили бўйича сертификат бўлиши шарт.

**Инглиз тили бўйича сертификат:** «IELTS» (International English Language Testing System), PCIE (Professional Certificate in English) — ТСМРИ тайёрлов курсларининг битирув имтиҳонлари натижалари бўйича (PCIE битирув имтиҳони натижаларининг амал қилиш муддати — 2 йил) камида 6,0 балл ёки «TOEFL» (Test of English as a Foreign Language) бўйича камида 213 балл (computer-based) ёки 550 балл (paper-based).

**Грант**

1-умумтаълим курсига ҳужжат топширган ва институтга қабул қилинишда энг юқори натижага эришган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган иқтидорли ёшлар, асосан, вилоятлардан келган абитуриентлар, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси, тижорат банклари ва бошқа ҳомийлар томонидан таъсис этиладиган махсус грантлар бўйича таълим олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Махсус таълим грантлари бўйича ўқиш ҳуқуқига эга бўлган талабалар билан ўқишни тамомлаганларидан сўнг тақсимотга мувофиқ 5 (беш) йил давомида ишлаб бериш мажбуриятини кўзда тутувчи шартнома тузилади.

**II. МАГИСТРАТУРА:**

**Магистратура илмий даражаси: Менежмент — Банк иши ва молия / Маркетинг.**
Уэльс университети (Буюк Британия) томонидан аккредитацияланган.

**Ўқиш муддати** — 15 ой (кундузги ўқиш тури).

**Магистратурага қабул қилиш учун талаблар:**
— магистратурага ўқишга кириш учун бакалавр дипломи ва ундаги ўртача баҳо 4 дан кам бўлмаслиги лозим;
— ТСМРИ кириш имтиҳонида камида 6,5 балл тўплаш ёки халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган инглиз тили бўйича сертификат бўлиши шарт.

**Инглиз тили бўйича сертификат:** «IELTS» (International English Language Testing System) ёки «PCIE» (Professional Certificate in English) — ТСМРИ тайёрлов курсларининг битирув имтиҳонлари натижалари бўйича (PCIE битирув имтиҳони натижаларининг амал қилиш муддати — 2 йил) камида 6,5 баллга ёки «TOEFL» (Test of English as a Foreign Language) бўйича камида 240 балл (computer-based) ёки 570 балл (paper-based).

**Бакалавриат ва магистратурага кириш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар:**
— ариза (Application form);
— ТСМРИ ректори номига ариза (мутахассислик номи кўрсатилган ҳолда);
— «IELTS» ёки «TOEFL» тизими гувоҳномасининг асли ёки нусхаси (агар мавжуд бўлса);
— шахсини, фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси ёки унинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
— маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг (иловаси билан биргаликда) асл нусхаси ёки унинг нотариал тасдиқланган нусхаси (бакалавриат учун — академик лицей ёки касб-ҳунар коллежи дипломи (аттестати), магистратура учун — бакалавр дипломи ёки мутахассислик дипломи (беш йиллик олий таълим асосида);
— маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг (иловаси билан биргаликда) инглиз тилига таржимаси;
— 6 та 3х4 ўлчамдаги фотосурат;
— тиббий маълумотнома (шакл № 086);
— ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси (йигитлар учун).

**Бакалавриат ва магистратурага кириш имтиҳонлари**
Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти бакалавриат ва магистратура дастурларига кириш учун «PCIE», «IELTS» ёки «TOEFL» тизимлари бўйича гувоҳномалари бўлмаган абитуриентлар **2012 йил 3 августдан 12 августгача** ТСМРИ биносида **инглиз тилидан** кириш имтиҳонлари топширишлари мумкин.

**Қўшимча маълумот:**
— бакалавриат ва магистратурада ўқитиш инглиз тилида амалга оширилади;
— ўқитиш тўлов-контракт асосида амалга оширилади;
— вилоятлардан келган ҳамда чет эллик талабалар ТСМРИ ётоқхонасида жой билан таъминланади;
— ўқиш 2012 йил 24 сентябрдан бошланади.

MDIS Tashkent
Management Development Institute of Singapore

**Манзил: Ўзбекистон Республикаси,100185, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўчаси, 28-уй. Телефонлар: (8-371) 271-77-00, 271-77- 01. E-mail: marketing@mdis.uz, веб-сайт: www.mdis.uz**

***Омадли келажакка биз билан эришинг!***

Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 сентябрдаги ПҚ-691-сонли қарори асосида ташкил этилган.

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

945А/706



*Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!*

## Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

**қуйидагиларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича танлов эълон қилади:**

эни 5 см.ли чарм камарлар, дастрўмол, ҳарбийлар одеялоси, 10х15 мм. металл пластина, ип газлама ёзги пайпоқлар, секундомер, боксчилар шлеми, ҳимоя жилети (протектор), ҳимоя бандажи (раковина), шингалкалар, машғулот учун боксчилар қўлқопи (боксерские лапы), курашчилар оёқ кийими (борцовки), оғир атлетика спортчиси учун белбоғ (пояс), боксчилар анжоми (груша боксерская), 40 кг.ли боксчилар машғулоти учун қоп (мешок боксерский), татами, турник, гимнастика бруслари, гимнастика оти (конь гимнастический), гимнастика анжоми (козёл гимнастический), кўп функцияли тренажёр, штанга учун қия тиргак (стойка), универсал скамейка, 5-30 кг.ли гантеллар тўплами, 16-24-32 кг.ли атлетик гирялар, 40-60-130 кг.ли штангалар, 300 кг.гача бўлган штанга тошлари (блины) тўплами, юк-багаж рюкзаги, резина этиклар, фуқаролар намунасидаги қишки чармли куртка.

***Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.***

***Талабгорлардан танловда иштирок этиш таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 иш куни давомида қабул қилинади.***

**Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 19.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 255-75-12, 255-81-45, 231-31-47. Факс: 8 10 998 (371) 281-43-73.**

967А/708



## «RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ

**БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2012 йил 31 майдаги 434-сонли буйруғига асосан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига тегишли, Тошкент шаҳри, Я. Ғуломов кўчаси, 66-уйда сақланаётган, «РАФ-2203» русумли, давлат рақами 10 АО 769 бўлган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 4 919 548 сўм.*

***Аукцион савдоси 2012 йил 13 июль куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 11 июль куни соат 18.00.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2012 йил 13 июлдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2012 йил 20 ва 27 июль кунлари соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 20 июлдаги такрорий савдо учун — 2012 йил 18 июль куни соат 18.00, 27 июлдаги савдо учун — 25 июль куни соат 18.00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Юқоридаги автотранспорт воситасининг аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52.**

965А/1442



## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Наманган шаҳар СИБ томонидан, Наманган вилояти хўжалик судининг 159-сонли, 3045-сонли ва бошқа бир нечта ижро варақаларига асосан хатланган, «Наманган кўприк хўжалигини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш фойдаланиш» ДКга тегишли, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 21-уйда жойлашган, умумий ер майдони 19033,0 кв.м., умумий қурилиш ости майдони 3152,4 кв.м. бўлган идора, автогараж, омборхона ва ишлаб чиқариш цехлари бино-иншоотлари такроран қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 461 583 144 сўм.*

**Аукцион савдоси 2012 йил 28 июнь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 26 июнь куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар мазкур эълон чоп этилган санадан бошлаб, иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 га қадар «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Наманган вилояти филиалида қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»и Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй. Мурожаат учун телефонлар: (8-369) 226-27-01, 226-54-47.**

*Лицензия: RR-0001.*

966А/1441


Ўзбекистон Бадиий академияси ва Бадиий ижодкорлар уюшмаси жамоалари рангтасвирчи

**Абдуманнон Маҳмудович ЮНУСОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти жамоаси лаборатория мудири, кимё фанлари номзоди Сайдахмат Хўжаевга волидаи муҳтарамаси

**КАРОМАТ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

*Шу кунларда футбол мухлисларининг нигоҳи Польша ва Украинада ўтказилаётган навбатдаги Европа чемпионатига қаратилган.*

*Кеча гуруҳ босқичининг биринчи тур ўйинлари якунланди. Табиийки, бўлиб ўтган баҳсларда кутилмаган натижалар ҳам қайд этилди.*

# Қизғин беллашувлар, кутилмаган натижалар

Жумладан, мезбон мамлакат Польшанинг Греция билан дуранг ўйнаши кўпчиликни ажаблантирди. Ушбу баҳсда майдондан четлатилган Польша терма жамоасининг асосий дарвозабони Войцех Шенсний кейинги ўйин олдидан жамоадошларини қийин аҳволга солиб қўйди. Гуруҳдаги Россия — Чехия ўйинида қайд этилган ҳисоб (4:1) мусобақадаги дастлабки кутилмаган натижа бўлди. Эътиборли жиҳати, бундан тўрт йил олдин ўтказилган Европа чемпионатида Россия биринчи турда Испанияга худди шундай ҳисобда имкониятни бой берганди. Чехия эса ўшанда турнирни ғалаба билан бошлаганди. Ўйин давомида икки гол киритган россиялик ҳужумчи Алан Загоев "Евро — 2012"нинг дастлабки дублини қайд этди.

Энг кучли — "ўлим гуруҳи" дея ном олган "В" квартетидаги биринчи тур ўйинлари ҳам сенсациясиз ўтмади. Хусусан, таркибида ван Перси, Роббен, де Йонг, Снайдер, ван Боммель, Куйт, ван дер Ваарт сингари жаҳон футболи юлдузлари жамланган Нидерландия терма жамоаси Данияга 0:1 ҳисобида имкониятни бой берди. "Дард устига чипқон" деганларидек, ўйин давомида "учар голландлар"нинг асосий ўйинчиларидан бири Уэсли Снайдер тиззасидан жароҳат олди. Шу боис у иккинчи турда — Германия терма жамоасига қарши кечадиган ўта муҳим ўйинда майдонга туша олмаслиги мумкин.

Қизиқ жиҳати, даниялик футболчилар дастлабки уч очкони қўлга киритишган бўлсалар-да, ҳамон ўзларини гуруҳ аутсайдери деб ҳисобламоқдалар. Хусусан, терма жамоанинг энг истеъдодли футболчиси Кристиан Эриксеннинг айтишича, биринчи ўйинда жамоадошлари билан ғалаба қозонишни жуда-жуда хоҳлашган экан. Аммо буни амалга ошира олишларига ишонишмаган. Шу боис мазкур муваффақият уларга галдаги ўйинларда қўшимча куч бағишлар экан.

Ушбу гуруҳдан жой олган Германия — Португалия ўйинида ҳам худди шундай ҳисоб қайд этилди. "Немис машинаси" дастлабки уч очкога эга бўлди.

"С" гуруҳидаги жамоалар ўртасидаги ўйинлар ҳам кескин ва муросасиз руҳда кечди. Айниқса, амалдаги Европа ва жаҳон чемпиони — Испаниянинг Италия терма жамоасига қарши ўйини нафақат биринчи турнинг, балки мусобақанинг ҳам энг жозибали беллашуви бўлди. Бу, учрашувда қайд этилган ҳисобда ҳам акс этди — 1:1. Ушбу гуруҳдаги Хорватия — Ирландия ўйинида хорват футболчилари зафар қучдилар (3:1).

"D" гуруҳидан жой олган жамоалар — Англия — Франция, Украина — Швеция ўртасидаги ўйинлар кеча тунда бўлиб ўтди.

Дастлабки статистика бўйича "Евро — 2012" баҳслари "Евро — 2008"га қараганда голларга бой бўлмоқда. Яъни ўтказилган олти ўйинда дарвозаларга 15 та тўп киритилди. Ваҳолонки, бундан тўрт йил олдин бўлиб ўтган мусобақанинг биринчи турида дарвозалар 16 бор аниқ нишонга олинганди.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

Спорт

*Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида турли касб эгалари ўртасида "Вело-Тошкент — 2012" марафони ўтказилди.*

## Вело-марафонда — турли касб эгалари

Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ва Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси шаҳар филиали ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда пойтахтимиз ҳамда республикамизнинг барча ҳудудларидан юзга яқин иштирокчи қатнашди. Мусобақа 25 ёшдан 34 ёшгача, 35 ёш ва ундан юқори бўлган эркак ҳамда аёллар ўртасида ташкил этилди.

Аёллар ўртасидаги баҳсларда ғолиблик Светлана Исаева ва Евгения Тарасенкога насиб этган бўлса, эркаклар беллашувларида Сергей Лагутин ҳамда Алексей Смирновга тенг келадигани топилмади.

**Саодат УСМОНОВА.**

Фестиваль

*Қадимий Бухоро шаҳрида "Ипак ва зираворлар" анъанавий фестивали бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги ва бир қатор нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрган юз нафарга яқин халқ амалий санъати усталари, зираворчилик билан машғул тадбиркорлар қатнашди.*

## Ипак ва зираворлар намойиши

— Мазкур фестиваль биз, ҳунармандлар учун маҳоратимизни намойиш этиш, ўзаро тажриба алмашишимизда қўл келаяпти, — дейди марғилонлик Ғофур Муҳаммаджонов. — Ота-боболардан мерос ҳунарни, қирқ йилдирки, асраб-авайлаб келаяпмиз. Бундай фестиваллар туфайли қадимий усулда тайёрланаётган адрас ва шойиларимизга хорижлик сайёҳларнинг ҳам қизиқиши тобора ортмоқда. Шу боисдан ҳар гал ушбу тадбирга алоҳида ҳозирлик кўрамиз.

Сайёҳликни ривожлантириш, маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби мақсадларни назарда тутувчи фестиваль доирасида миллий таомлар кўрик-танлови, шунингдек, тарихчи-этнограф олимлар иштирокида "Бухоро — Буюк Ипак йўлида" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Якунда иштирокчилар ташкилотчилар томонидан рағбатлантирилди.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## ОБ-ҲАВО
**(12 июнь)**

| | Кечаси | Кундузи |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | +18 +23 | +32 +37 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | +18 +23 | +32 +37 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | +15 +20 | +30 +35 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | +18 +23 | +32 +37 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | +15 +20 | +29 +34 |
| Тошкент шаҳрида | +16 +18 | +30 +32 |


• Реклама ва эълонлар •

Geologiya, yoqilg‘i-energetika, kimyo, neft-kimyo va metallurgiya sanoati soha korxonalari tarmoq sanoat yarmarkasi

TAKLIF ETAMIZ!

Tarmoq sanoat yarmarkasi va Kooperatsiya birjasi, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub'ektlariga buyurtmalar portfelini shakllantirish, o'zlari ishlab chiqargan mahsulotlarni yetkazib berish bo'yicha respublikaning yetakchi tashkilotlari bilan tendersiz o'zaro manfaatli shartnomalar tuzish uchun ajoyib imkoniyat yaratadi!

2012-yil 14–16-IYUN KUNLARI

«O‘zekspomarkaz» MKK OAJ ko‘rgazma maydonlarida
Tel.: 238-54-13, 238-53-52.



Xalqaro sanoat yarmarkasi va Kooperatsiya birjasi direksiyasi

916R/1450





CLAAS

«Uz CLAAS Service» МЧЖ

Германиянинг юқори унумли қишлоқ хўжалик техникаларини ишлаб чиқарувчи «CLAAS» концерни Ўзбекистонда «CLAAS» қишлоқ хўжалик техникаларига сервис хизмати кўрсатиш ҳамда асл (оригинал) эҳтиёт қисмлар етказиб бериш учун расмий «Uz CLAAS Service» масъулияти чекланган жамиятини ва унинг вилоят филиалларини ташкил қилди.

Сифатли сервис хизмати ва асл эҳтиёт қисмлар учун жамиятнинг бош офисига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:
Тошкент ш., Тошкент автомобиль ҳалқа йўли, 45-уй.
Мўлжал — «Янгиобод бозори».
Тел.: (8-371) 230-93-77, 230-93-74. Моб.: (8-598) 368-93-77.
service@uzclaasservice.uz info@uzclaasservice.uz

*Сизнинг техникангиз узоқ муддат хизмат қилиши тарафдоримиз!*

*Диққат! Асл эҳтиёт қисмлар қадоғида голограмма бўлиши лозим!*



904R/670



*Диққат! Кўргазма!*

2012 йил 14 — 16 июнь | «Ўзэкспомарказ» | www.ngv.uz

ТАБИИЙ ГАЗДА ИШЛОВЧИ АВТОМОБИЛЛАРНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ КЎРГАЗМАСИ ВА КОНФЕРЕНЦИЯСИ

«Тинч океани — Осиё минтақаси NGV» ассоциацияси Марказий Осиёда биринчи марта дунёнинг 32 мамлакатидан 44 та компания қатнашадиган ўз кўргазмасини намойиш этади. Кўргазма ва унинг доирасида ўтказиладиган конференцияда табиий газда ишловчи ҳамда барча модификациядаги автотранспорт воситаларида муқобил энергия ва ёқилғидан фойдаланиш бўйича янги-янги ғоялар, таклифлар олишингиз мумкин.

Кўргазмага ташриф буюрганингизни қайд эттиришингиз билан соврин жамғармасига қимматбаҳо мукофотлар қўйилган лотерея ўйини иштирокчисига айланасиз!

Батафсил маълумотларни интернетдаги www.ngv.uz сайтидан ёки (8-371) 291-84-04 рақамли телефондан билиб олишингиз мумкин.



Экологик тоза ва муқобил ёқилғи — келажак ёқилғиси!

969A/725



РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОР
ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАСИДАН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
"КЧМ" ЧЎЯНДАН ТАЙЁРЛАНГАН ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ
ШУНИНГДЕК:
Маҳсулот сертификатланган Тўлов шакли турлича
КАФЕЛЬ (девор ва пол учун)
САНТЕХНИКА (катта ҳажмда унитаз ва қўлювгичлар)
ЧЎЯН, ПОЛИМЕРМРАМОР ВАННАЛАР (ТУРЛИ ЎЛЧАМДА)
Тел./Факс: 267-35-73
Савдо шохобчаси - Уста Ширин к.125, қурилиш бозори ичида №127
zakamsk-group@mail.ru

694R/



САРА УРУҒ — ЮҚОРИ ҲОСИЛ ГАРОВИ!

«URUG-INVEST» Ўзбекистон — Сербия қўшма корхонаси такрорий экин учун Сербия давлатининг Дала ва полиз экинлари илмий институти томонидан яратилган, Ўзбекистон Республикаси далаларида синовдан ўтган сифатли, эртапишар ва ҳосилдор

маккажўхори (вег. даври — 75-80 кун, ҳосилдорлиги — 8-10 тн/га),
кунгабоқар (вег. даври — 75-80 кун, ҳосилдорлиги — 3-4 тн/га)
дурагайлари ва соя (вег. даври — 80 кун, ҳосилдорлиги — 3-4 тн/га)
уруғларини таклиф қилади.



УРУҒЛАР ДАВЛАТ РЕЕСТРИГА КИРИТИЛГАН ВА СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

www.semena.uz Тел.: (+99897) 778-40-27, (8-371) 234-42-17. Факс: (99871) 234-62-45.

726R/562



«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 654. 90 424 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.25 Топширилди — 21.45 1 2 3 4 5